



PROSECUTOR'S DECISION, ITS TYPES AND REQUIREMENTS TO THEM

Avazbek Bokijonovich Komilov

PhD in Law, Associate Professor

The Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Head of Department of Prosecutorial activity and prosecutorial supervision,

E-mail: komilov02011985@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: acts of prosecutorial supervision, prosecutor's decision, administrative offense, administrative responsibility, disciplinary action, disciplinary responsibility, financial responsibility.

Received: 08.08.25

Accepted: 09.08.25

Published: 10.08.25

Abstract: This article is devoted to the content, types and requirements for the prosecutor's decision. According to the author, it is advisable to issue a decision as an act of prosecutor's supervision in order to create a precedent in connection with the inaction of a certain person. The article also reveals the methodological and practical instructions that must be observed when preparing the prosecutor's decision, the requirements for its form and content, as well as its main features.

ПРОКУРОР ҚАРОРИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

Авазбек Бокижоновић Комилов

кафедраси бошлиғи, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

Прокурорлик фаолияти ва прокурор назорати

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

E-mail: komilov02011985@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: прокурор назорати ҳужжатлари, прокурор қарори, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик, интизомий қилмиш, интизомий жавобгарлик, моддий жавобгарлик.

Аннотация: Мазкур мақола прокурор қарорининг мазмуни, турлари ва уларга қўйилган талабларга бағишланган. Муаллифнинг фикрича, қарор прокурор назорати ҳужжати сифатида муайян шахснинг ҳаракатсизлиги сабабидан прецедент ҳосил қилиш чиқарилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мақолада прокурор қарорини тайёрлашда риоя

қилиниши лозим бўлган услубий-амалий кўрсатмалар ҳамда унинг шакл ва мазмунига қўйилган талаблар, унга хос асосий хусусиятлар ҳам баён этилган.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПРОКУРОРА, ЕГО ВИДЫ И ПРЕДЪЯВЛЯЕМЫЕ К НИМ ТРЕБОВАНИЯ

Авазбек Бокижонович Комилов

PhD, доцент

Начальник кафедры Прокурорской деятельности

и прокурорского надзора Правоохранительной академии

Республики Узбекистан

E-mail: komilov02011985@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: акты прокурорского надзора, постановление прокурора, административное правонарушение, административная ответственность, дисциплинарное деяние, дисциплинарная ответственность, материальная ответственность.

Аннотация: Данная статья посвящена содержанию, видам и требованиям, предъявляемым к постановлению прокурора. По мнению автора, целесообразно выносить постановление как акт прокурорского надзора для создания прецедента в связи с бездействием определённого лица. Также в статье раскрываются методические и практические указания, которые необходимо соблюдать при подготовке постановления прокурора, требования к его форме и содержанию, а также его основные особенности.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддасига асосан, прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 321-моддасига кўра, жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят иши қўзғатилиши шарт. Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади (322-модда). Кодекснинг 328-моддасига асосан, прокурор томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор чиқаришда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси (321, 322, 329, 331 ва 336-моддалари) талабларига риоя

этилиши лозим. Қарорда: ишни қўзғатиш сабаблари ва асослари; Жиноят Кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; бундан буён ишни ўз юритувига олувчи мансабдор шахс кўрсатилади[1].

Жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор чиқариш кўринишидаги прокурор назорат ҳужжатиға энг сўнгги чоралардан бири сифатида ёндашмоқ керак. Бундай қарорға келишда адолатли бўлиш лозим. Бунда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли шахсни жиноий жавобгарликка тортиш шарт бўлмаган ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатмасдан қонун бузилишининг бартараф этилишига эришиш ҳамда моддий зарар келтирилган ҳолларда уни ундириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади[2].

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор. Прокурор ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланган фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунда белгиланган маъмурий жавобгарликка тортишга қаратилган прокурор назорати ҳужжати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 275-моддасига асосан, прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширар экан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга ҳақлидир[3]. Қарор қабул қилишга маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ҲМҚО, бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларидан келиб тушган материаллар ва маълумотлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда ОАВларининг хабарлари сабаб бўлиб хизмат қилади[4].

Бизнингча, прокурор маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаришдан олдин қуйидаги масалаларга аниқлик киритиши лозим: биринчидан, шахсининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги, иккинчидан, ҳуқуқбузар томонидан қайси қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаблари бузилганлиги ва бундай ҳуқуқбузарлик учун қонунда маъмурий жавобгарлик белгиланган/белгиланмаганлиги, учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий жавобгарлик субъекти ҳисобланиш/ҳисобланмаслиги, тўртинчидан, маъмурий жазо қўлланиш муддатлари ўтиб кетмаганлиги, бешинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик МЖТКнинг қайси моддаси билан малакаланиши, олтинчидан, маъмурий жавобгарликка тортиладиган шахслар доираси тўлиқ ва тўғри аниқланганлиги, еттинчидан, маъмурий

хуқуқбузарлик содир этган шахснинг айби исботланганлиги, саккизинчидан, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар (МЖТКнинг 271-моддаси) мавжуд / мавжуд эмаслиги, тўққизинчидан, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қайси ваколатли орган иш юритувига тааллуқлилиги.

Шуни ёдда тутиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 280-моддасига кўра, бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва (ёки) назорат қилиш қонунчилик билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузади. Шу сабабли, прокурор маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарор қабул қилиш жараёнида Кодекснинг 281-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда, маъмурий хуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома тузиши лозим. Баённомани тузиш вақтида хуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг хуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарорга прокурор текширувида тўпланган ҳужжатлар, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилган / тортилмаганлиги тўғрисида маълумотнома; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши (агар мавжуд бўлса); жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси ва маъмурий хуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Бундан ташқари, бизнингча, маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарор шакл ва мазмунига кўра маълум бир талабларга жавоб бериши зарур. Хусусан, маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарорда ушбу ҳужжат чиқарилган сана ва жой, қарор чиқарган шахснинг лавозими, даражали унвони, фамилияси, исми, отасининг исми, хуқуқбузарлик содир этган шахснинг эгаллаб турган лавозимига оид маълумотлар, маъмурий хуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу хуқуқбузарликнинг моҳияти, унинг натижасида етказилган зарар (зиён), ана шундай хуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг моддаси ҳамда мазкур хуқуқбузарликни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс ҳақида маълумотлар акс эттирилиши лозим[5].

Амалдаги Қонунга кўра, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш кўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Айни вақтда, Кодекснинг 305-моддаси 2-қисмида

назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун алоҳида қисқа муддатлар белгиланган. Бундай ҳуқуқбузарликлар бўйича қабул қилинган маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқиш бўйича ушбу кодекснинг 305-моддаси 2-қисмида белгиланган муддат белгиланиши лозим[6]. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади. Прокурор ўз қарорининг кўриб чиқилиш жараёнида иштирок этиши, муҳокамада айбдор шахс ёки шахсларни жазолаш масаласида ўз фикри ва нуқтаи назарини билдириши мумкин[7].

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарори протест ва тақдимнома каби бир хил юридик кучга эга бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга масъул бўлган суд, ваколатли орган ёки мансабдор шахс прокурор қарорини кўриб чиқиб, у бўйича қарор қабул қилиши мажбурий ҳисобланади[8]. Прокурор ҳар қандай ҳолатда ўзи томонидан қабул қилинган қарорга асосан айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган / тортилмаганлигини назорат қилиб бориши керак[9]. Қарор асоссиз равишда рад этилган тақдирда, прокурор ўз қарорини кўриб чиқиш учун юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга (керак бўлса, юқори турувчи прокурор орқали) юбориши лозим бўлади[10].

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 301-моддасига кўра, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилиши ходимни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади[11]. Демак, прокурор интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорни муайян шахс томонидан ўз меҳнат мажбуриятлари айбли тарзда, ғайриқонуний равишда бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги (меҳнат (лавозим) мажбуриятларининг бузилиши) ҳолати аниқланган ҳолларда чиқаради.

Бизнингча, прокурор интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор чиқаришдан олдин қуйидаги масалаларга аниқлик киритиши лозим: биринчидан, шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида интизомий қилмиш аломатлари мавжудлиги, иккинчидан, қайси қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаблари бузилганлиги, учинчидан, агар ходимнинг ўз меҳнат (лавозим) мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ходимга боғлиқ бўлган сабабларга кўра юз берган/юз бермаганлиги (чунки, ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариш учун иш берувчи томонидан зарур шарт-шароитлар таъминланмаганлиги, форс-мажор ҳолатлари ва ҳ.к.ларда ходимни интизомий жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди), тўртинчидан, интизомий жазо қўллаш муддатлари ўтиб кетмаганлиги, бешинчидан, интизомий жавобгарликка

тортиладиган шахслар доираси тўлиқ ва тўғри аниқланганлиги, олтинчидан, интизомий қилмиш айнан мазкур шахс томонидан содир этилганлик факти ўз исботини топганлиги, еттинчидан, интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорни кўриб чикувчи шахслар (органлар) тўғри танланганлиги.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорга шахснинг интизомий қилмиш содир этганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар (текшириш маълумотномаси, мутахассислар далолатномалари ва ҳ.к.) илова қилиниши зарур.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор, назаримизда, шакл ва мазмунига кўра маълум бир талабларга жавоб бериши зарур. Хусусан, қарорда ушбу ҳужжат чиқарилган сана ва жой, қарор чиқарган шахснинг лавозими, даражали унвони, фамилияси, исми, отасининг исми, интизомий қилмиш содир этган шахс, унинг эгаллаб турган лавозимига оид маълумотлар, интизомий қилмиш содир этилган жой, вақт ва бу интизомий қилмишнинг моҳияти, агар аниқланган бўлса, унинг натижасида етказилган зарар (зиён) ва уни қоплаш мажбуриятини юклаш ҳақидаги прокурор талаби; “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва Меҳнат кодексининг тегишли моддалари, қарорни кўриб чиқиб, интизомий жазо чораси қўллаш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс ҳақида маълумотлар, қарорни кўриб чиқиш муддати, шунингдек уни кўриб чиқиш натижаси ҳақида прокурорга ёзма хабар берилиши зарурати акс эттирилиши лозим.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор интизомий жазо чорасини қўллаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс ёки орган томонидан ушбу ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 127, 313-моддасига асосан ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс (ёки орган)га кўриб чиқиш учун юборилади. Кодекснинг 314-моддасига биноан, интизомий жазо интизомий қилмиш аниқланганидан кейин дарҳол, бироқ аниқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилади, бунда ходим вақтинча ишга лаёқатсиз бўлган ёки таътилда бўлган давр ҳисобга олинмайди. Интизомий жазо интизомий қилмиш содир этилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай, тафтиш ёки молия-хўжалик фаолиятини текшириш ёхуд аудиторлик текшируви натижаларига кўра эса, у содир этилган кундан эътиборан икки йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Ушбу муддатларга жиноят ишини юритиш вақти киритилмайди.

Бундан ташқари, Кодекснинг 313-моддасига асосан, 312-моддада кўрсатилган интизомий жазо чорасини танлаш ҳуқуқи иш берувчига тегишлидир. Интизомий жазо

чорасини қўллашда содир этилган қилмишнинг оғир-енгиллиги, унинг содир этилиши ҳолатлари, ходимнинг аввалги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади. Шу сабабли, бизнинг қатъий фикримизга кўра, прокурор ўз қарорида меҳнат интизомини бузган шахсга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чорасини олдиндан аниқ белгилаб бера олмайди (масалан, иш берувчидан ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима жазосини қўллашни сўраш мумкин эмас).

Кодекснинг 313-моддасига биноан, ходимга интизомий жазо чорасини қўллаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Шунга кўра, қабул қилинган қарорнинг қонунийлигини кафолатлаш учун прокурорнинг қарори кўриб чиқилганлиги хусусида юборилаётган ёзма маълумотга интизомий жазо чораси қўлланилганлигини тасдиқловчи буйруқ (қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатлар) нусхалари илова қилиниши лозим. Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори асоссиз равишда рад этилган ёки кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ушбу қарорни кўриб чиқиш учун юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга (керак бўлса, юқори турувчи прокурор орқали) ўтказиши лозим бўлади.

Моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддаси мазмунига кўра, прокурор содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб, нафақат жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради, балки қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, масалан, моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ҳам қарор чиқариши мумкин[12]. Шунинг унутмаслик зарурки, моддий жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади. Хусусан, Кодекснинг 19-боби (Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги) 316-моддасига асосан, меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги меҳнат шартномаси тарафининг бошқа тарафга етказилган зиённинг ўрнини ушбу Кодекста ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда қоплаш мажбуриятини ифодаладиган юридик жавобгарликдир. 318-моддага кўра, меҳнат шартномаси тарафининг моддий жавобгарлиги, агар ушбу Кодекста ёки бошқа қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, меҳнат шартномаси тарафининг айбли ғайриқонуний қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида ушбу шартноманинг бошқа тарафига етказилган зарар учун ҳамда айбли ғайриқонуний қилмиш ва етказилган зарар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаси мавжудлиги учун юзага келади.

Маълумки, моддий жавобгарликнинг иккита кўриниши мавжуд: 1) иш берувчининг ходимга етказилган зиён учун моддий жавобгарлиги ва 2) ходимнинг иш берувчига етказилган зарар учун моддий жавобгарлиги.

Хусусан, Кодекснинг 337-моддасига биноан, ходим иш берувчига тўғридан-тўғри етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт. Олинмаган даромадлар (бой берилган фойда) ходимдан ундирилмайди. Агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ходим ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи доирасида моддий жавобгар бўлади (340-модда). Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида етказилган зарар учун, шунингдек жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади (341-модда). Кодекснинг 488-моддасига кўра, ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, ташкилот бош бухгалтери ва ташкилот алоҳида бўлинмаси раҳбари ташкилотга ўзи бевосита етказган ҳақиқий зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Ушбу шахслар айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарнинг ўрнини ташкилот мулкдорининг (акциядорлар, иштирокчилар, муассислар умумий йиғилишининг) ёхуд кузатув кенгашининг ёки мулкдор ваколат берган бошқа органнинг талабига биноан қоплайди. Бунда зарарларни ҳисоб-китоб қилиш фуқаролик тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган нормаларга мувофиқ амалга оширилади.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш зарурки, пул ёки товар қимматликлари билан бевосита муомала қилаётган ходим тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома асосида ўзига ишониб топширилган қимматликларнинг бут сақланишини таъминламаганлик учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузилмаган, шунингдек бундай шартнома пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш ўз функционал мажбуриятларига кирмайдиган ходим, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан ёхуд жамоа шартномасида, агар жамоа шартномаси тузилмаган бўлса, қасаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга биноан иш берувчи томонидан белгиланадиган тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ўзи билан шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифаси рўйхатида кирмайдиган шахс билан тузилган ҳолларда иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг зиммасига чекланган моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин (343-модда). Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, прокурор томонидан моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш учун айбдор шахсга тўлиқ ёки қисман моддий жавобгарлик юклатилган бўлиши ва бу ҳақда у билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилган бўлиши шарт.

Прокурор назорати амалиётида прокурор томонидан моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш қарор орқали амалга оширилади. Бироқ, амалиётда моддий жавобгарликка тортиш масаласини прокурор тақдимномасида кўрсатиш йўли билан ҳам айбдор шахсни моддий жавобгарликка тортиш мумкин. Бу вазиятда ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан тақдимномани муҳокама қилиш ва унда қайд этилган қонунбузарликларни

бартараф этиш жараёнида ходим ёки иш берувчига етказилган ҳақиқий зарарнинг қопланганлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжатлар жавоб хатига илова қилинган ҳолда прокурорга юборилиши керак. Айнан шу ҳолатда прокурор прокурорлик фаолияти юзасидан “П” шаклдаги ҳисоботда шахсни тақдимнома асосида моддий жавобгарликка тортилганлигини акс эттириши мумкин бўлади. Бизнингча, ундирилган сумма ҳисоботнинг “Етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш” (12-устун) устунида кўрсатилиши ҳам Бош прокурорнинг ҳисоботлар тузиш бўйича соҳавий буйруғи талабларини бузиш саналмайди.

Прокурор текшируви ёки бошқа назорат тадбирлари жараёнида ходим ёки иш берувчига етказилган ҳақиқий зарар айбдор шахс томонидан ҳали муайян назорат ҳужжати (қарор ёки тақдимнома) қўлланилмасдан туриб ихтиёрий қопланган бўлса, прокурор томонидан моддий жавобгарликка тортилган шахс сифатида “П” шаклдаги ҳисоботга қўйилиши нотўғри ҳисобланади. Бунда қопланган сумма фақатгина ҳисоботнинг “Етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш” (12-устун) устунида кўрсатилади, ҳисоботнинг “прокурорнинг қарори ва тақдимномаси бўйича шахслар жавобгарлиги” (9-11-устунлар) қаторида акс эттирилиши мумкин эмас.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, фикримизча, баъзи ҳолатларда аниқланган қонунбузарликнинг характеридан келиб чиққан ҳолда, маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилишдан кўра, моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ саналади. Мисол учун, прокурор томонидан текширув объектида моддий жавобгарлик юклатилган шахс томонидан жуда оз миқдорда (масалан, 50 минг, 100 минг ва ҳ.к.) камомад ёки растрата аниқланди дейлик. Бундай ҳолатда ҳуқуқбузарнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддаси билан малакаланиб, унга нисбатан ушбу модда билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиши мумкин. Бироқ, ушбу қарор қонуний ҳисобланса-да, уни адолатли деб бўлмайди, чунки аниқланган камомад билан унга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазо (61-модданинг 1-қисмига кўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади) ўзаро бир-бирига мутаносиб эмас. Бундай вазиятларда маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ўрнига қонунбузарга нисбатан моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ва шу йўл билан аниқланган моддий зарарни ундириш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида белгиланган мутаносиблик принципining амалда таъминланишига хизмат қилади.

Унутмаслик зарурки, моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор ҳам шакл ва мазмунига кўра маълум бир талабларга жавоб бериши зарур. Хусусан, қарорда ушбу ҳужжат чиқарилган сана ва жой, қарор чиқарган шахснинг лавозими, даражали

унвони, фамилияси, исми, отасининг исми, айбли ғайриқонуний қилмиши натижасида бевосита моддий зарар (зиён) етказган шахс, унинг эгаллаб турган лавозими ва моддий жавобгар шахс эканлигига оид маълумотлар, айбли ғайриқонуний қилмиш содир этилган жой, вақт ва ушбу қилмишнинг моҳияти, унинг натижасида етказилган моддий зарар (зиён) ва уни қоплаш мажбуриятини юклаш ҳақидаги прокурор талаби; “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва Меҳнат кодексининг тегишли моддалари, мазкур қарорни кўриб чиқиб, моддий жавобгарликка тортиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс ҳақида маълумотлар, қарорни кўриб чиқиш муддати, шунингдек уни кўриб чиқиш натижаси ҳақида прокурорга ёзма хабар берилиши зарурати акс эттирилиши лозим.

Моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор моддий жавобгарликка тортиш ва бевосита моддий зарар (зиён)ни ундириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс ёки орган томонидан ушбу ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади. Моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор асосида етказилган моддий зарар (зиён)ни ундириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 319-336, 337-350 ва 488-моддалари асосида ҳал қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, қонунлар ижроси устидан назорат тартибида чиқариладиган прокурор қарорининг барча турига хос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- 1) қарор ҳам мансабдор шахсларга, ҳам фуқароларга нисбатан қабул қилиниши мумкин;
- 2) қарор прокуратура органлари мансабдор шахсларининг яккабошчилик асосидаги қарори саналади;
- 3) қарор индивидуал таъсир кўрсатиш ҳужжати саналади, чунки у аниқ субъектга қаратилган бўлади;
- 4) қарор доимо ёзма шаклда ифодаланади;
- 5) қарор уни кўриб чиқишга масъул бўлган орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши ва у бўйича қарор қабул қилиниши мажбурий саналади..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 331-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.06.2025 й., 03/25/1067/0498-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 27.06.2011 йилдаги 6-сон мажлиси қарори билан тасдиқланган “Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича” Услубий қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. – Т.: 2011. – Б. 6.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.07.2025 й., 03/25/1075/0597-сон.
4. Гальченко А.И. Функции прокуратуры Российской Федерации: спорные вопросы // «LEX RUSSICA», №11 (Том ХСVI) / 2014. – С. 1354-1355.
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 27.06.2011 йилдаги 6-сон мажлиси қарори билан тасдиқланган “Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича” Услубий қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. – Т.: 2011. – Б. 7.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 27.06.2011 йилдаги 6-сон мажлиси қарори билан тасдиқланган “Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича” Услубий қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. – Т.: 2011. – Б. 7.
7. Дарбинян А.А. Прокурорский надзор за законностью правовых актов, издаваемых Министерством природных ресурсов и экологии Российской Федерации и подведомственными ему федеральными органами: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Автономная некоммерческая организация высшего и профессионального образования “Московский гуманитарный университет”, 2013. – С. 151.
8. Корешникова Н.Р. Основные правовые средства прокуратуры Российской Федерации как инструмент обеспечения исполнения законов: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: Уральская государственная юридическая академия, 2010. – С. 119.
9. Устименко И.В. Прокурорский надзор за соблюдением социальных прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Институт повышения квалификации руководящих кадров Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2009. – С. 141.
10. Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати: дарслик. – Тошкент: «Ҳуқуқ ва бурч», 2008. – Б. 255.
11. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2025 й., 03/25/1070/0536-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 27.06.2011 йилдаги 6-сон мажлиси қарори билан тасдиқланган “Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича” Услубий қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. – Т.: 2011. – Б. 5.